

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 9 август • № 32 (949)

Саломатлик ҳафталиги

Шу кунларда юртимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган болалар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ОҒУШИДА

Мамлакатимизда миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турмуш қуришдан олдинги мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилиб, ҳудудларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолияти самарали йўлга қўйилди. Қишлоқ жойларидаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети ҳисобидан зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она – соғлом бола» гоёси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Болаларни ўз вақтида эмлашнинг миллий тақвими ишлаб чиқилгани ва изчиллик билан амалга оширилаётгани натижасида полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия каби хасталикларга мамлакатимизда бутунлай барҳам берилди. Сўнгги йилларда қизамиқ ва қизилча деярли қайд этилмаган бўлса, охириги ўн йилда 10 ёшгача болаларда вирусли гепатитнинг «В» тури умуман рўйхатга олинмади.

«Ҳар бир бола – меҳр оғушида» шиори остида жорий йилнинг 5-9 август кунлари бўлиб ўтаётган навбатдаги Саломатлик ҳафталиги мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини сақлашга қаратилган эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Ҳафталик тадбирларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги даволаш муассасаларининг энг малакали шифокорлари жалб қилинган. Мазкур мутахассислар энг чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларида бўлишиб, болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдилар.

Шу боис, «Ҳар бир бола – меҳр оғушида» шиори остидаги Саломатлик ҳафталиги ҳар бир ҳудудда уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар, авваламбор, инсон манфаатларига хизмат қилаётганининг амалдаги тасдиғидир.

ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ



Республикамизнинг қайси бир гўшасига борманг, у ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қувонади. Айниса, истиқлол шарофати билан қад ростлаётган бир-бирдан гўзал иншоотлар, шифо масканлари, спорт мажмуалари ҳеч бир ватандошимизни бефарқ қолдирмаслиги, табиий. Биргина мисол. Тиббиёт тизими ҳақида сўз юритганимизда аввало, соҳа тубдан, янгитдан ислоҳ қилингани, амалиётда ўзбек моделининг татбиқ этилиши, замонавийлик касб этган бугунги тараққиёт йўлимиз ривожланган бирорта мамлакатдан кам эмаслигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Фикрларимизни ҳаётини мисоллар билан бойитиш мақсадида юртдошларимизнинг сўзларига кулоқ тутдик:

– Набирамни ҳамшира қилиш мақсадида тиббиёт коллежида олиб бордим. Ишонасизми, ушбу таълим масканини кўриб ҳайратландим. Ўтган умрим, болалигим, мактабда ўқиган кезларим ёдимга тушди. Осмон билан фарқлағудек тафовут ақлимни шошириб қўйди. Наҳотки, бугунги ёшлар учун шунча имко-

ният, шароитлар яратилган. Биз бундай кунларни узоқ орзу қилдик. Истиқлол, тинчлик кунларини соғиниб яшадик. Мана, биз кўрмаган ниятларга бугунги авлод, фарзандларимиз, набираларимиз эришиб турибди. Бундай бахтиёр кунларга шукрона айтмасдан иложимиз йўқ, – дейди олтиариқлик 62 ёшли Садриддин ота.

– Авваллари, қишлоғимизда фельдшерлик пунктлари бўларди. Текширувлар учун ҳатто узоқ масофа босиб шаҳарга ошиқардик. Бугунчи? Ҳаётимиз, имкониятларимиз тамомил янги. Ким ўйлабди, дейсиз қишлоғимизда ана шундай замонавий шифо масканлари қад ростлашини. Тиббиёт тизими тобора ривожланиб бормоқда. Барча таҳлиллар, текширувлар ҳаммаси ўзимизда олиб борилмоқда. Ҳатто, саломатлик кунларида пойтахтнинг тажрибали шифокорлари ҳам бизнинг соғлигимизни назорат қилиш учун ташриф буюрадилар. Шунда ҳар бир инсон алоҳида меҳр ва эътиборда эканлигини юракдан ҳис этаман. Шу боис, бу кунларга фақат шукрона айтиб яшаймиз, – дейди самарқандлик Шарифа ая Ихтиёрова.

УШБУ СОНДА:

«ЧЕҲРАНГИЗДА ҚУВОНЧ КўРАЙЛИК!»



Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 3-клиника болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлими шифокорларининг шиори шундай.

3

КЕЙИНГИ СОНДА:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Ҳар бир бола – меҳр оғушида» шиори остида жорий йилнинг 5-9 август кунлари Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжманд оилаларнинг



фарзандлари, имконияти чекланган болалар учун тиббий кўрик ташкил этилди.

Ушбу ҳафталик доирасида таҳририятнинг ижодий жамоаси ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва бир қатор вилоятларда бўлишиб, тиббий кўрик жараёнлари билан танишиб қайтдилар. Газетамизнинг келгуси сонидида мазкур ҳафталик тафсилотлари билан кенгроқ танишасиз.

Қонун лойиҳаси – жамоатчилик муҳокамасида

**ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ВА УНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ****Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини оширишга хизмат қилади**

Хабарингиз бор, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан биринчи ўқишда муҳокамага киритилган эди. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамага қўйиш мақсадида “Халқ

сўзи” ва “Народное слово” газеталарида қонун матни эълон қилинди. Айти кунларда ушбу жараён изчиллик билан давом эттирилиб, жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ўтказилаётган тадбирларнинг бориши ва қонун лойиҳаси юзасидан билдирилаётган таклифлар, фикр-мулоҳазаларни билиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси Нурия Айтжанова билан суҳбатда бўлдик.



Экология ва атроф-муҳит масалаларига бағишланган халқаро анжумандан лавҳа.

– Аввало, ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида қандай зарурат юзага келди ва бу қандай мақсадларга хизмат қила олади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

– Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини аниқ белгилашга йўналтирилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилган эди. Албатта, ушбу қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик, қолаверса, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланди.

Инсон ҳўжалик фаолиятини оқилона ташкил этиш ва бошқаришда табиат қонунларини билиши, уни ҳисобга олиши ҳамда унга амал қилиши ҳар бир минтақадаги экологик ҳолатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу эса атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбирларни режалаштиришда, ҳудудларни экологик районлаштиришда, табиат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий воситаларини қўллашда, экологик экспертиза ўтказишда, экологик сертификатлаш ва стандартлаштиришда, экологик тоза, чиқиндисиз (кам чиқитли) технологияларни жорий этишда, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда ва бошқа соҳаларда ҳуқуқий механизмларни татбиқ этиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёни тўғри йўналтириб бориш орқали юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни бартараф этишда эса қонунчилик ҳужжатларининг роли ва аҳамияти жуда катта бўлиб, бу экологик қонунчиликни босқичма-босқич такомиллаштиришга оид давлат экологик сиёсатини амалга оширади. Шу мақсадда муҳокама этилаётган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси экологик назоратни, атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳолатнинг мониторингини амалга оширишда жамоатчиликнинг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга, экологик на-

зоратни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга ва назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмининг барпо этишга, бу соҳада экологик нодавлат ноижорат ташкилотлари, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати хизматларининг ваколатлари чегараларини белгилашга ва уларнинг ўз функцияларини бажаришлари тартибини, экологик назоратни таъминлаш бўйича талабларни ўрнатишга ва экологик назорат бўйича қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгилашга қаратилган.

– Ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида асосан, нималарга эътибор қаратилди ва унда халқаро тажрибадан олинган амалиёт қўлланилди-ми?

– Таъкидлаш жоизки, 1992 йилнинг 9 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни мустақил-

ларда қабул қилинган қонунлар экологиянинг кўплаб жабҳаларини қамраб олиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг барча бошқарув тизимлари фаолиятини ва жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Ҳозирда иқтисодий ривожланган давлатлар ҳисобланган АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг тараққий этиши, уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллашувида экология йўналишидаги жамоатчилик ҳаракатларининг хизмати катта бўлган. Польша, Венгрия, Словакия, Чехия каби Марказий ва Шарқий Европадаги давлатларда ҳам атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик яхши ривожланган. Баъзи мамлакатлар – масалан, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппинда эса атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қонунлар мажмуи, яъни экологик кодекслар қабул қилинган бўлиб, уларда атроф-



“Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасига бағишланган учрашувдан лавҳа.

лиқка эришилгандан сўнг ушбу йўналишдаги фаолиятни тартибга солувчи дастлабки ҳужжат ҳисобланади. Айти пайтда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида 20 дан ортиқ муҳим қонунлар, юзлаб қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Бироқ мазкур ҳужжатларда экологик назоратни амалга ошириш тартиби, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизми ва мазмуни тўлақонли очиб берилмаган. Шунингдек, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати ўртасидаги ваколат чегаралари ҳамда улар томонидан ўз вазифаларини бажариш тартиби белгиланмаган. Шу билан биргаликда мазкур қонунларда жамоатчилик экологик назорати умумий (декларатив) ҳолда акс эттирилган. Дунёнинг етакчи мамлакатлари, МДҲ давлатларининг мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, ушбу мамлакат-

муҳит муҳофазасини ҳар томонлама мувофиқлаштиришда жамоатчиликнинг иштироки назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни норма ва талабларини рўёбга чиқариш самарадорлиги фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида ва экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида иштирок этишларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Шунингдек, мазкур Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, экологик масалаларни ҳал этишда нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва такрор кўпайти-

ришга, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга ва инсонларнинг саломатлигига трансчегаравий салбий таъсирдан оғоҳлантириш ва бартараф этиш орқали миллий манфаатларни ҳимоя қилишни таъминлашга, шунингдек атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига зарар етказилиши хавфини, мамлакатнинг экологик қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларига уйғунлаштиришга йўналтирилган экологик назорат соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг мазмуни ва асосий йўналишларини аниқлаб беради.

– Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат ноижорат ташкилотлари, жамоатчилик тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мустақамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топганми?

– Албатта, қонун лойиҳаси жамоатчилик экологик назорати институтини ташкил қилиш ва ривожлантириш, ННТларнинг экологик назоратни амалга ошириш, мамлакат минтақаларидаги атроф-муҳит ва аҳоли соғлиги соҳасидаги вазиятни мониторинг қилишдаги иштирокини янада фаоллаштиришга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир шахснинг вазифаси эканлигини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб бериш имкониятини яратди.

Миллий амалиётга жамоатчилик экологик назорати институтининг киритилаётганлиги қонун лойиҳасининг муҳим аҳамиятларидан бири ҳисобланади. Бунда жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари этиб, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан фуқаролик жамияти институтларига, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига Экоҳаракат билан ҳамкорликда юридик ва жисмоний шахсларнинг

табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларига риоя этишлари устидан кузатувни, фуқароларни атроф-муҳитга ва табиий ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни амалга ошириш ваколатлари берилган жамоатчи инспекторлар институтини шакллантиришда услубий ва ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш ваколатлари берилмоқда ҳамда экологик назорат жамоатчи инспекторининг мақоми, унинг ҳуқуқлари белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат органлари билан бир қаторда экологик назоратнинг субъекти сифатида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тегишли ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назоратини ҳамда ушбу масалалар бўйича ўз қарорлари ижроси назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига оид қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиш юзасидан экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонуний тартибга солинади.

Палата мажлисида ўтказилган муҳокамалардан сўнг, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасига ушбу қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш, умумлаштириш, экспертларни, мутахассисларни, олимларни ва жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил қилишни таъминлаш ва уч ой ичида мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш ҳамда уни Қонунчилик палатасига иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш лозимлиги топширилди. Шу муносабат билан ишчи гуруҳи аъзолари қонун лойиҳаси устида қизгин ишламоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, келажакда ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимизда экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит ва она табиатимизни асраб-авайлашдек улкан вазифани кенг жамоатчилик ва бошқа масъул давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда бартараф этишига хизмат қилади.

Суҳбатдош
Ибодат СОАТОВА.

Юртимиз шифо масканларида

«ЧЕХРАНГИЗДА ҚУВОНЧ КЎРАЙЛИК!»

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 3-клиника болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлими шифокорларининг шиори шундай

Инсоннинг юз-кўзида нуқсон бўлмасин. Аксинча ҳолатда у ўзини ношуд ва нотавон ҳис қилади. Ҳаёт шундайки, кимдир қандайдир сабабга кўра, нуқсон билан дунёга келади ёки турмуш тасодифлари туфайли ўз соғлигида муаммо пайдо бўлганини сезмай қолади. Беҳисоб шукр қилиш керакки, юз қисмида туғма ёки ҳаёт мобайнида орттирилган нуқсонни бўлган беморларга шифокор кўмак беради, нажот ва умид бағишлайди.

Дарвоқе, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ҳар томонлама ислоҳ қилишга йўналтирилган Президентимиз қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, давлат миқёсидаги лойиҳа ва дастурлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги доирасида қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар замирида аҳоли саломатлигини ҳар жиҳатдан асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш мақсади ётади. Тан олиш керак, пойтахтимиздаги тиббиёт муассасаларида узоқ йиллик дарддан азият чекаётган, буни бартараф этишга қийналаётган беморлар устида илмий изланиш олиб борилиши билан бир вақтда уларни даволаш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 3-клиниканинг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида нуқсондан қийналаётган беморларнинг даволаниши учун намунали шартшароит яратилган. Бўлимнинг умумий майдони 800 квадратметр бўлиб, фойдаланиладиган майдон 280 квадрат-метрни ташкил қилади. Алоҳида жарроҳлик хонаси мавжуд. 14 та палата беморлар хизматида. 2 та қайта боғлаш хонаси (йирингли ва тоза), муолажа хонаси, логопед ва ортодонт учун мўлжалланган хоналар даволаш ишларини олиб боришга хизмат қилади.

Юз-жағ жарроҳлиги операциясини бажариш бир қадар мураккаб бўлиб, бунинг учун шифокордан ўта синчковлик, малака, билим ва укув талаб қилинади. Ана шу хислатларни ўзида мужассам эта олмаган врач ҳам, ҳамшира ҳам, яхши-си, операцияда иштирок этмагани маъқул. Болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида ўз соҳасини чуқур биладиган мутахассислар таркиби шаклланди. Илмий операцияларнинг муваффақиятли якуни топишига замин яратмоқда. 4 нафар профессор,

1 нафар доцент, бўлим мудир, 2 нафар ординатор, 2 нафар хўжалик ҳисобидаги ординатор, педиатр, логопеднинг 6 нафари ўз илмий даражасига эга. Шифокорларнинг барчаси олий тоифали.

Даволаш жараёнини тўғри ва намунали ташкил этиш бўлимга келиб мурожаат қилаётган беморларда ижобий таассурот қолдирмоқда. Бунга ўз фаолиятида амал қилиб келаётган шифокорлар ишни эрталабки беш дақиқалик йиғилишдан бошлайдилар. Барча хоналар саранжом-саришталиги, тиббий асбоб-ускуналарнинг стерилланганлиги, шифокор ва ҳамшираларнинг белгиланган вақтда ўз постиди хизматга тайёр туриши биринчи талабдир. Даволаш ишлари аввалдан тузилган иш режаси бўйича ташкил этилади. Ётиб даволаниши зарур бўлган беморлар клиник лаборатория текширувдан ўтказилиб, педиатр ва анестезиолог томонидан хулоса қилинади.

– Бўлимимизга келиб мурожаат қилаётган беморларнинг касаллик ташҳиси ҳар хил. Улардаги муштарак жиҳат битта, у ҳам бўлса нуқсон ёки касаллик юз-жағ соҳасида. Тиш касалликларини нотўғри даволаш оқибатида келиб чиқаётган жағлардаги яллиғланиш жараёни, туғма кемтиклик ва юз шаклининг бузилиши, турли жароҳат ва ўсмаларнинг пайдо бўлиши кўп бўлиб беморларни безовта этадики, оқибатда улар сўраб-суриштириб бўлимимизга келишади. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, республикамизнинг турли бурчакларидан келган ота-оналарга қувонч бахш этиб келмоқдамиз. Юз-жағ жарроҳлиги фақат бизда қилинган учун нажот истаб келаётганлар жуда кўп. 2013 йилнинг ўтган 6 оyi мобайнида 1222 нафар беморда турли даражадаги операцияларни ўтказдик. Ўзидаги оғир ёки энгил дарддан изтироб чекаётган беморлар миннатдорлигини эшит-

дик. Бу биз шифокорлар учун энг катта эътирофдир, – дейди бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Шухрат Ҳасанов. – Жорий йил январь ойидан бошлаб бўлимимизда пластик жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилди. Бу ерда беморларга пуллик тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Юз-жағ соҳасидаги пластик жарроҳлик орқали қийшайиб қолган кулоқ, кўз, бурун ёки чакка-пастки жағ бўғимларининг туғма ёки орттирилган касалликларини даволаёмиз. Даволанишдан сўнг пайдо бўладиган асоратлар, консерватив усулларнинг янги технологиялари бўлим шифокорлари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Тошкент шаҳар



болалар ташҳис маслаҳат маркази, марказий клиник лаборатория функционал диагностика бўлими, болалар юқумли касалликлари, “Педиатрия ва нефрология” кафедраси профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда беморни даволашнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани натижасида асоратлар кузатилмаяпти. Пастки жағ синишидан кейинги асоратлар, чакка-пастки жағ бўғимларининг туғма ва орттирилган касалликлари, ўсмалардан кейинги нуқсонларни комплекс даволашда ортодонтлик ва ортопедик босқичлар такомиллаштирилмоқда.

Бўлимда даволанаётган беморларни ота-оналари, буви ёки бувалари, опа-сингиллари билан учратишнинг мумкин. Албатта, фарзандининг юзида би-

рор нуқсон бўлишини ҳеч қайси ота-она хоҳламайди. Ҳаётда нималар бўлмайди? Кутилмаган тасодиф туфайли қайсидир боланинг чеҳрасида нуқсон пайдо бўлса, ота-онанинг кўз олди қоронғилашиб кетиши ва шифокорларга мурожаат қилиши табиий.

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан 3-клиниканинг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимига келиб 8 яшар қизи Сайёрани даволаттираётган она Малоҳат Саидбекова ўз фикрларини шундай ифодалайди:

– 2012 йил куз ойларида қизчамни қишлоқ стоматолог кўригига олиб бордим. У тиш оғриғидан шикоят қилаётган қизчамни наридан-бери текширди-да, тишларини даволаб бўлмаслигини айтиб, биратўла иккитасини омбири билан суғу-

риб ташлади. Гарчанд у намақоб билан оғзини чайиб турса ҳам, асорат кучли оғриққа айланди. Жағи шишиб кета бошлади, унда яллиғланиш жараёни кучайиб кетган экан. Декабрь ойида ана шу бўлимга келдик. Жағининг ичкари қисмидаги суяги ўса бошлабди. Операция қилишди, аммо шиши қайтмади. Орадан етти ой ўтиб, қизчам қайта операция қилинди. Ҳозир аҳволи яхши, шиши секин-аста қайта-япти. Дарднинг келиши осон, кетиши қийин деганларидек, фарзандимнинг соғайиб кетиши учун бор билим маҳоратини ишга солаётган шифокорлардан миннатдорман.

Бўлимга кираверишда шифокор кўригига шошаётган ота-оналарни учратасиз. Улар бу ерга даво истаб, нажот излаб келишган. Эгнига оқ халат илиб олган шифокорлар эса ота-онаси билан қабулига кирган беморни самимий қарши олиб, касалликнинг келиб чиқиш сабабларини суриштиришади. Касаллик тарихи очилган бемор зудлик билан палатага жойлаштирилади. Орадан маълум муддат ўтиб эса... беморнинг юзида қувонч, ота-онасида миннатдорлик туйғуси пайдо бўлса, шундан ортиқ бахт борми?

Хулқар КУЗМЕТОВА. СУРАТЛАРДА: 3-клиниканинг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлими шифокорлари иш устида. **Ибодат СОАТОВА олган суратлар.**

Ижтимоий ҳимоя

Беморларни даволаш ва назорат қилиш орқали худудда ногиронликни камайитиришни асосий вазифаларимиздан бири, деб биламиз. Жамоамиз бу йўналишдаги ишларни кучайтириб, ижобий натижаларга эришди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 ойида бирламчи ногиронлик 41 нафарга, қайта ногиронлик 105 нафарга камайди.

Республикамизнинг тиббий меҳнат эксперт соҳасига оид ҳужжат ва қарорлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қарор ҳамда буйруқлари билан танишиб, ҳодимлар ўртасида, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг шифохона ва поликлиника шифокорлари билан ногиронликнинг олдини олиш бўйича ўқув-амалий се-

ТИББИЙ ЁРДАМ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

минар ўтказилди.

Қарши шаҳридаги минтақавий реабилитация марказида ногиронлар тиббий-ижтимоий, касбий реабилитация қилиниб, даволашнинг янги усуллари қўлланилиши, замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозлангани, ижара пунктлари ташкил этилгани, юқори малакали мутахассислар билан таъминлангани ижобий натижа бермоқда. Жумладан, ўтган вақт оралиғида 34 нафар ногирон тўлиқ, 25 нафар ногирон эса қисман реабилитация қилинди.

Тиббий муассасаларда ногиронларни яқка тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлари томонидан назоратга олинди, аниқланган хато ва камчиликлар поликлиника шифокорлари билан

муҳокама қилинмоқда.

Албатта, ҳар бир фаолиятнинг изчиллик билан олиб борилиши ва унга жиддий ёндашув иш самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқтам НАМОЗОВ, Қашқадарё вилоятлараро 39-сонли ТМЭК раиси.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ҳамда ногиронларни реабилитация қилиш доимо эътиборда. Шу жумладан, Амударё туманлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссияси жамоаси ҳам ногиронларни реабилитация қилиш, уларни вақтида аниқлаш ишларини олиб боришмоқда.

Ушбу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республика-

сининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий меҳнат экспертиза хизмати бошқаруш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қўл келаётир.

Тарғибот ишлари туфайли жорий йилнинг олти ойида 104 нафар ногироннинг соғлиғи яхшиланганлиги муносабати билан ногиронлиги бекор қилинди. 72 нафаридан эса ногиронлик ғуруҳи энгиллаштирилди. Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор берилиб, уларнинг реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондириб келинмоқда.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликдаги ишлар ижобий натижа бермоқда. Бу аҳолининг имкониятлари янада кенгайтирилган далолатдир. Энг муҳими, тараққиётнинг узлуқсизлигини таъминлаш орқали ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар ҳуқуқини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Комиссия аъзолари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ногирон ва беморлар эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам тадбирлар ўтказилмоқда. **Алишер МАДАМИНОВ, Амударё туманлараро 2-сонли ТМЭК раиси.**



Фан уфқлари

МЎМИЁ-АСИЛ СИРЛАРИ

“Мўмиё” – юнунча сўз бўлиб, “бадан (организм)ни сақловчи – муҳофаза этувчи” деган маънони англатади. Араблар мўмиёни “ароқул джибол” (тоғ шираси), бирмаликлар “чао туй” (тоғ қони), мўғул ва тибетликлар “барашун” (қоя шираси), туркманлар “мўмногай”, айрим тоғлик жойларда қиём ёки “зоғх” деб аташади.

“Мўмиё” сўзининг икки хил таъбири мавжуд: Муҳаммад Хусайин-хон Алавий (1857) таъбирича, юмшоқ эрувчан, мумсифат, яъни “му-милойин” – мулоийм сўзидан, Берунийнинг фикрича, мўмиё Эрондаги Абин қишлоғи яқинидаги гордан топилганлиги учун “мум Абин” – Абин мўмиёси маъносидан келиб чиққан. Ўзбекларда мўмиё сўзига “асил” сўзи қўшилиб, “мўмиё-асил”, яъни “ҳақиқий (тоза) мўмиё” деб юритилади.

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган мўмиё ҳақида бир ярим мингга яқин мақола, китоблар ёзилган, кинофильмлар яратилган, унинг тозаланиши, қайта ишланиши, дори шакллари, қўлланилишига оид ўнлаб патентлар олинган, йигирмадан ортиқ диссертация (улардан 5 таси докторлик) ёқланган. Тиббиётга расман киритилганлигига қарамай, ҳанузгача у энг сирли, энг мўъжизакор, баъзан афсонавий восита бўлиб қолмоқда.

Эртақларда айтилишича, авваллари горлардан ҳазиналар топишган, геологлар эса ноёб минераллар ва фойдали қазилмалар билан бирга, мўмиё тошини излашган. Ҳа, мўмиё денгиз сатҳидан камида 2000 м. баландликда, оҳактош ва бошқа фойдали элементлар кўп учрайдиган, атмосфера ва эриган муз сувлари етиб бормайдиган горларда, кислороди кам ҳавода, кучли қуруқ бўрон ва шамоллар ҳукмронлик қиладиган, ҳарорат тез-тез, кескин ўзгариши рўй берадиган, кучли электромагнит нурланиш мавжуд бўлган шароитда пайдо бўлади. Бундай шароитда ердаги органик қолдиқларни парчаловчи микроорганизмлар ҳам ўз вазифасини бажаришга ожизлик қилади. Шу сабабли микроорганизмлар томонидан парчаланмай қолган ҳайвон ва ўсимлик биомассаси жуда кўп йиллар ўтиши билан қоришиб мўмиёлашади, баъзан полимерлашади, молекуляр массаси ортади. Нам тегмайдиган жойларда узок муддат ичида юқори ҳарорат таъсирида мўмиёлашган масса ҳосил бўлади. Тоғ пастликларига оқиб тушган мўмиё массаси эса тупроқ ва ёмғир сувларида эриб, тоғ-тошлардаги кимёвий бирикмаларни ювиб, тупроқда, тошлар орасида тарқалади, яна қуриб, худди сумалаксимон шакл ҳосил қилади.

Умуман, мўмиёнинг келиб чиқиш сирлари ҳанузгача баҳсли: улар ҳақида турли-туман, ҳатто бир-бирига қарама-қарши илмий тахминлар кўп бўлиб, олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Баъзи олимлар мўмиё ҳар хил бактериялар таъсирида парчаланган нефть маҳсулотларидан ҳосил бўлади, деб ҳисоблашади, айримлар ўсимликлардан, ёввойи асалари асалидан пайдо бўлади, деб тахмин қилишади. Яна баъзилар эса мўмиё тут ва арча дарахтидан ажралиб чиқадиган ширадан вужудга келади деса, бошқалар уни бўрон қуши (буревестник) сўлагидан ҳосил бўлади деган фикрда. Хуллас, мўмиёнинг келиб чиқишига оид биологик, зоологик, геологик тахминлар бор. Қайси бири тўғри эканлигини ҳеч ким билмайди.

Фақат шу нарса аниқки, мўмиё

Осиёнинг баланд тоғли ҳудудларида, Австралия, Америка ва Африканинг айрим баланд тоғларида учрайди. Ўрта Осиё республикаларида эса Жанубий Қирғизистон ва Тожикистоннинг баланд тоғли туманлари мўмиёга бой жойлар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё мўмиёсининг таркибида микро ва макроэлементлар кўп. Шунинг учун бошқа ҳудудлардан йиғилдиган мўмиё турларига нисбатан улар фармакологик жиҳатдан анча фаол ҳисобланади.

Мўмиё ҳақида муҳим маълумот: мўмиёнинг летал (ўлдириш) дозаси 6000 мг/кг.га тенг, бу уни қарийб захарсиз эканлигидан далолат беради. Лекин табиатда тоғ муми, тоғ мойи, озокерит, битум, асфальт ва бошқа мўмиёга ўхшаш моддалар борки, улар билан мўмиёни қалбакилаштирувчилар ҳам учраб туради. Қалбакилаштирилган мўмиёни ташқи кўринишидан соф мўмиёдан ажратиш қийин. Лекин уларни истезьмол қилиш ўта хавфли. Мўмиёсимон моддаларни “мўмиёчилар”, “мўмиёлоид”лар дейишади. Агар тажриба қилинадиган ҳайвонларга мўмиёлоидлар берилса, уларнинг жигари бир неча мартаба катталашиб, учинчи кунгача кўр бўлиб қолади. Минг афсус, ноинсоф шахслар мўмиёлоидлар билан савдо қилганда, пластмасса буюмларни эритиб, мўмиёга аралаштириб юбориш ҳоллари ҳам аниқланган. Зеро, текширилмаган, сифат назорати тамғаси қўйилмаган мўмиёни истезьмол қилиш ўта хавфлидир.

Ҳақиқий мўмиёни қалбакиларидан ажратишнинг оддий усули бор: қотган мўмиёнинг усти ялтироқ, сарғиш-кўнғирдан то қора ранггача кўринишда бўлади. Ўзига хос ҳид ва мазага эга. Мўмиё мулоийм (пластик), бир чилпимини бармоқлар орасида эзгиласа, қўлнинг тафтида юмшайди, мулоийм тортади. У ёпишқоқ модда, чўзса, ипсимон чўзилувчан ҳолатга ўтади. Очиқ, алангада куйдирилса, тоза мўмиё ҳеч қандай қурум, куя, дуд ва ис бермай ёнади, ўздан кул қолдиради. Кўп муддат сақланса қотади. Қотган мўмиё синдирилса, парчаланиб, ялтироқ, кўп қиррали бурчакларга бўлинади. Агар мўмиёнинг кичик бўлагини стакан қирғоғига ёпиштириб, сув солинса, мўмиё худди туманга ўхшаб эрий бошлайди. Умуман, мўмиё сувда яхши эрийди (1:8 нисбатда). Мўмиёнинг сувли эритмаси жигарранг тусда бўлиб, чайқатилса, худди қаҳва ёки пивога ўхшаб кўпиради. Эритма жигарранг бўлиб, тахирроқ мазага, ўзига хос кучли ҳидга эга. Яна бир оддий экспертиза усули: 0,1 г. мўмиё 5 мл. сувда эритилади ва устига суюлтирилган ишқор қўшилса, эритма ўзгармай қолиши керак. Агар мўмиё эритмасига бироз

кислота қўшилса, у тиниқлашиб, кўп миқдорда чўкма тушади. Бу мўмиёнинг тозаланигидан далолат берувчи яна бир белгидир.

Фармацевт кўзи билан қараб, яна мўмиё таркибига назар солсак, унинг таркибидаги намлик, минерал, оксил, липид, углевод, мумсимон модда, алкалоидлар, амина, ёғ, гумин ва гиппур кислоталари, клечатка ва яна бошқа бирикмалар борлигига амин бўламиз. Ўша, “яна бошқалар”га бальзамли моддалар, уфур (эфир) мойлари, стероидлар, полифеноллар, В-гуруҳ витаминларини киритиш мумкин. Яқинда Тошкент фармацевтика институти олимлари мўмиё таркибида D-гуруҳига оид витамин мавжудлиги ва улар мўмиё таркибидаги кальций, фосфорни синган жойларга транспорт қилиши, тўплаш ҳақида фикр билдиришди.

Мўмиёнинг яна бир хусусияти – уни “мўмиё тоши” деб аталадиган хом ашёсидан безарар ажратиб олиш, давлат стандарти талабларига мос келадиган ҳолатга келтиришдир. Мўмиё хом ашёсини қайта ишлаш жуда осон туюлсада, амалда унинг нозик томонлари ҳам мавжуд. Дастлаб горлардан терилган мўмиё тоши эмалланган реакторга солинади, устига иссиқ (60°C) сув қуйилади. Реактордаги масса 10-20 соат аралаштирилиб, тиндирилади. Сўнгра эритманинг биринчи порцияси ажратилиб, шиша ёки эмалланган идишга солинади. Қолдиқ устига яна иссиқ сув қуйилади. Уни ҳам 10 соатдан сўнг ажратиб, биринчи ва иккинчи порциялар қўшилади. Қолдиққа учинчи марта иссиқ сув қўшиб, экстракцияни давом эттириш мумкин. Экстракциядан қолган мўмиёсизланган қолдиқ (пустая парода) тезда ачиб, нохуш ҳид чиқаради. Ажратиб олинган экстракт эрмайдиган ёт моддалардан тозаланади. Бунинг учун Тошкент фармацевтика институти олимлари томонидан центрифугалаш ёки говак фильтр орқали экстрактни насос ёрдамида тортиб олиш таклиф этилган. Ёт моддалар идиш тубида қолади. Шуни таъкидлаш зарурки, концентрланган мўмиё эритмаси ачимайди, лекин суюлтирилгани моғорлаши, ачиши мумкин. Эритма механик аралашмалардан тозалангандан сўнг бугулаштилади. Бугулатиш жараёни 60°Cдан юқори бўлмаслиги лозим. Қуритиш дастлаб қуюқ қаймоқ ҳолатига келтирилади. Мўмиёчилар ана шу қиёмсимон қуюқ экстрактни сотишга чиқарадилар.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент Давлат техника университети корпоратив ҳамкорлик тадқиқотларининг интеграцион схемасига мувофиқ тозаланган мўмиё кукуни саноят мақсадида ишлаб чиқариш учун жуда қулай бўлган инфракизил (ИҚ) нур ёрдамида қуритадиган махсус вакуум-камера яратилди. Гап шундаки, мўмиёни тозалаш жараёни тез ва паст ҳароратли муҳитни талаб қилади. Яратилган қурилмада худди шу шароитга эришилди. Авваллари мўмиё одатий вакуум қуритиш жавонларида қуритилган, қимматбаҳо махсулот йўқотилар, кўп вақт сарфланар ва қисман унинг энг биофаол бирикмалари парчаланиб кетар эди. Таклиф этилган янги ИҚ-вакуум қуритгич қурилмасининг афзаллиги шундаки, бу жараён

паст ҳароратда қисқа вақтда содир бўлади. Олинган мўмиё субстанцияси сифатлироқ бўлиб, таннархи арзонлашади. Яна бир муҳим жиҳати инфракизил нурлар таъсирида, чуқур вакуум остида мўмиё қуритиш билан бир вақтда стерилланади. Ҳозирги вақтда ушбу технология бўйича маҳаллий қўшма корхонада мўмиё асил – 150 мг.ли капсулалар ишлаб чиқарилмоқда. Умуман, тиббиётда ёки халқ табибатида қўлландиган мўмиёнинг дори турлари кўп. Улардан мўмиёнинг сувли эритмаси терига суркашга, оғиз чайишга, бурунга, кўзга, қулоққа томишишга, электрофорез қилишга, ҳатто ичишга ҳам тавсия этилади. Мўмиёнинг сувли-спиртли, мойли настойкалари, шамчаси ташқарига ишлатилади.

Мақола ниҳоясида мўмиёнинг шифобахш хислатлари ҳақида қисқача тўхталамиз. У ажойиб, ўзига хос табиий шифобахш модда. Мўмиё ёрдамида синган суяк, куйган ва лат еган жойлар, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, жигар, ўт пуфаги, буйрак, ошқозон ости бези, бош оғриғи, камқонлик, қулоқ шамоллаши, сўнғак сили, бавосил, бод, шол, нейродермит, невралгия, пародонтоз, цистит ва бошқа хасталиклар даволаниши ҳақида илмий манбалар мавжуд. Мўмиёнинг бундай универсал даволаш хусусиятларини унинг биосинтез жараёнини яхшиловчи, антиоксидантлик, адаптогенлиги билан тушунтирилади. Демак, мўмиё таъсирида бирор-бир алоҳида хасталик даволанибгина қолмай, организмдаги ҳужайралар иши яхшиланади. Натижада тана тозаланади, ёшаради, организмнинг барча нохуш таъсирларга қаршилиги кучаяди.

Бутун умрини мўмиёни ортопедия-травматология амалиётида қўллашга бахшида этган олим Шокиров хулосаси: “Мўмиё бевосита жароҳатдан сўнг, энг кичик муддат ичида синган жойларда фосфорни тўплашга имконият яратади”. Дарҳақиқат, мўмиё билан синган суяк 13-18 кун даволанганда, даволанмаганга нисбатан олдинроқ битиши О. Шокиров томонидан илмий асосланган. Унинг илмий натижаларида яна қуйидаги хулосалар мавжуд: мўмиё билан даволанганда, синган суяк тўқималарининг қайта тикланиши ва битиб кетишидан ташқари, беморларнинг гематологик кўрсаткичлари меъёрлашади; кальций, фосфор, қисман, калий миқдори ортади, ишқорий фосфатаза фаоллиги яхшиланади, шунингдек, оксил ва оксил функциясининг умумий миқдори ортади. Мўмиё қабул қилган беморларнинг умумий ҳолати яхшиланади: уйку нормалашади, иштаҳаси очилади, синган жойдаги оғриқлари пасаяди, шиш қайтади, гематома сўрилади. Профессор О. Шокировнинг олган натижалари ўтказилган клиник синовларда тасдиғини топди. Қисқаси, мўмиё сирлари охиригача очилди, деб айтишга ҳали эрта.

С. АМИНОВ,
профессор.
Ф. СОЛИХОВ,
тадқиқотчи.
Тошкент фармацевтика институти.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, болажонларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Перинатал маркази ҳам мустақиллик йилларида ташкил этилган замонавий тиббий муассасалардан бири.

– Собиқ тузум даврида биз вилоят шифохонаси негизда кичик бир бўлим сифатида ишлардик, – дейди марказ директори ўринбосари Маъмура Тош-

МАРКАЗ – БОЛАЖОНЛАР
ХИЗМАТИДА

метова. – Хоналар етишмаслиги, малакали кадрлар танқислиги боис гўдақларнинг ногирон туғилиши ҳолатлари кўп учради. Мустақиллик йилларида вазият тубдан ўзгарди. Оналар ва болалар саломатлиги давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. 2008 йили вилоятимизда бир вақтнинг ўзида 160

беморга хизмат кўрсатадиган ушбу марказ ташкил этилиб, алоҳида замонавий бино ажратилди. Малакали врач-гинекологлар, тажрибали мутахассислар ишга жалб қилинди. Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида хориждан энг замонавий тиббий жиҳозлар кел-

тириб, ўрнатилди. Натижада, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси кескин ошди.

Марказда аёллар саломатлигини сақлаш, гўдақлардаги патологик жараёнларнинг олдини олиш борасида катта тажриба тўпланган. Айни пайтда вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарига Перинатал марказнинг малакали врачлари бириктирилган. Улар беморларга ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйиш, патологик жараёнларнинг олдини олиш борасида сезиларли ишларни бажармоқда.

Ў.А.

Шифокор қабулида

«СИЗГА КИМӨТЕРАПИЯ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ...»

Ҳозирги вақтда саратон касалликлари дунё бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Замоनावий онкология амалиётида учта асосий даволаш усули қўлланилади: жарроҳлик, нур (нур терапия) ва ўсмага қарши дори воситалари билан даволаш. Уларни кўпинча биргаликда қўллаш амалиётда кенг тарқалган.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар ривожланган давлатлар аҳолиси орасида онкологик хасталикларга нисбатан кўрқув ҳисси кўпроқ бўлишини кўрсатди. Одамларнинг онкология (кимётерапия) сўзи ўлимга яқинлашиш маъносини билдиради, лекин бу мутлақо нотўғри фикр. Онкология фани ва амалиётнинг ривожланиши сабабли бугунги кунда ушбу касалликка чалинганларнинг ярмидан кўпи тўлиқ тузалиб кетишмоқда, ўсма дастлабки босқичда аниқланганда эса, 100 фоиз беморларда яхши натижа кузатилади.

Бугунги кунда беморларга ўсмага қарши даво сифатида кимёпрепаратлар, гормонлар, иммунопрепаратлар, таргет препаратлари, баъзи бисфосфонатлар ҳам берилди. Лекин, аънага кўра, тиббий адабиётларда, оммавий ахборот воситалари ва халқ орасида дори-дармон билан даволаш усули “кимётерапия” сўзига сингдирилган. Кўпчиликда “кимё” сўзига нисбатан тушунмовчилик сабабли манфий муносабат ҳосил бўлган.

“Сизга кимётерапия тавсия этилади...” деган сўзлардан сўнг кўпчилик беморларда иккиланиш пайдо бўлади. Бунга асосий сабаб, аҳолининг тиббий (онкологик) саводхонлиги пастлигидир. Онкологик касалликка чалинган бемор ва унинг яқинлари шу мавзуга бағишланган маълумотларни қидира бошлашади. Булар асосан, оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва ҳ.к.) ва шу қаторда, интернет маълумотларидир. Бу манбаларда берилган маълумотлар жуда кўп ва кўпинча аниқ эмас, баъзан бир-бирини инкор қиладиган фикрлар ҳам билдирилади.

Онколог-кимётерапевтларнинг асосий вазифаси – бемор ва яқинларига кимётерапиянинг аҳамияти, фойдаси, ноҳуж таъсири ва ундан қутилаётган натижалар ҳақида оддий, тушунарли тилда объектив маълумот беришдир. Бугунги кунда онкологик беморлар узоқ ва сифатли ҳаёт кечиришларининг асосий манбаси, бу албатта самарали дори воситалари кўпайиши ва кимётерапия самарадорлиги ошишидир. Кимётерапияга нисбатан бўлган эскича салбий фикр, бемор ва қариндошларида ҳосил бўладиган руҳий тўсиқлар ҳозирги кунда деярли бутунлай бартараф қилинди. Онкологик шифохоналарнинг 75-80 фоиз беморлари даволанишнинг маълум бир босқичида кимё-

терапия олади. Замоनावий дори-дармон билан даволаш усулига ҳам бемор, ҳам унинг яқинлари катта ишонч ва умид билан қарайдилар.

Ҳозирги кунда Республика онкология илмий марказида кўпчилик беморларни даволашда ижобий натижаларга эришилаётганлигининг сабаби – операциядан олдин ўтказилаётган кимётерапиядир. Жарроҳлик усулига кўрсатма бўлган баъзи касалликларда, биринчи босқичда дори-дармон билан ўсмага қарши даволаш усули (2-4, 6 курсгача) ўтказилади. Бундан асосий мақсад – субклиник (ташхислаш усуллари ёрдамида аниқланмайдиган), аниқланган метастазлар ва бирламчи ўчоқда жойлашган ўсма хужайраларининг кўпайиши ва тарқалишини тўхтатишдир. Бу йўналиш бўйича марказимизда Давлат гранти ажратилган бўлиб, кенг қўламда илмий иш олиб борилмоқда. Операциядан аввал (неoadъювант) кимётерапия олган ва олмаган беморларни даволаш самараси баҳоланганда, олганларда рецидивсиз, яъни касаллик қайталамасдан, узоқ вақт, сифатли умр кечириш кўрсаткичлари юқорилиги кузатилмоқда.

Операциядан кейинги кимётерапия аввалдан кўплаб саратонга чалинган беморларда кенг қўлланиб келинган. Ҳозирда янги, замоनावий ўсмага қарши препаратлар пайдо бўлгани сабабли, ушбу даволаш усулига кўрсатмалар ва ўтказиш мумкин бўлган онкологик касаллик турлари янада кенгайиб бормоқда.

Онкологик беморларни даволашда қўшма ва комплекс даволаш режаларига, жарроҳлик усулидан ташқари, маҳаллий даволаш турларидан бири – нур терапия киритилган. Қўшма даволаш усули ҳисобланмиш кимё нур терапия кўплаб беморларда тўлиқ узоқ ремиссиясига эришишга олиб келади. Беморларга даво усуллари бир вақтда, кетма-кет ёки олдинма-кейин қўлланилиши мумкин. Баъзи беморларда асосий даволаш усули нур терапия бўлган ҳолатларда, нурланиш кимёпрепаратлар фониди ўтказилади. Сабаби, баъзи дори воситалари модификатор хусусиятига эга бўлгани сабабли нурни даволаш самарасини ошириб беради.

Жарроҳлик усулига ва нур терапиясига қарши кўрсатмалар бўлганда ёки бу усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаса, ўсмага қарши дори-дармон билан даволаш ягона самарали усул бўлиб, беморнинг узоқ ва сифатли умр кечиришига сабаб бўлади.

Кимётерапия олаётган беморларни даволаш самараси юқори бўлиши учун нафақат кимёпрепаратларни, балки биргаликда олиб борилаётган фармакотерапия ва симптоматик терапиянинг ҳам аҳамияти юқори. Бу гуруҳга касаллик сабабли намоеён бўлган, беморнинг аҳолини оғирлаштирадиган ҳолатлар ёки даволаш сабабли ривожланган ноҳуж таъсирларни бартараф қилувчи ва камайтирувчи дори воситалари, ҳаёт учун зарур бўлган ички аъзолар фаолиятини тиклаб ва сақлаб турувчи препаратлар киритилган. Замоनावий ўсмага қарши дориларни қўллаш ва симптоматик терапияни тўғри ўтказиш йўли билан беморларда кузатиладиган кимёпрепаратларнинг захарли таъсирини бартараф этиш мумкин. Беморда ноҳуж таъсирлар ривожланмайди, ўзини яхши сезиб, ҳаёт сифати юқори бўлади.

Кимётерапия самарадорлиги бемордаги ўсма хужайраларининг кимёвий турғунлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Кимётурғунлик, ўз навбатида, ўсманнинг биологик (молекуляр, ген, рецептор, иммуногистохимик) хусусиятларига боғлиқ. Иккита бир хил хавfli ўсма ташхисли беморда тавсия қилинган препаратлар ҳар хил таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг сабаби ўсма хужайраларининг бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос бўлган биологик хусусиятларидир. Марказимизда ўсmalarнинг биологик хусусиятларини аниқлаш ва уларни даволаш самарадорлигини ошириш учун Давлат грантлари доирасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Хавfli ўсmalarнинг биологик хусусиятлари ҳозирги вақтгача олинган тажрибалар беморларга барвақт ташхис қўйиш, тўғри даволаш, даволаш самарадорлигини олдиндан билиш ва назорат қилиш (мониторинг) учун амалиётда қўлланилмоқда.

Текшириш натижасида беморга хавfli ўсма ташхиси қўйилгандан сўнг, ўсманнинг биологик хусусиятлари аниқланиб, ўсмага қарши биотерапияни тавсия қилиш мумкин. Биотерапия таргет (авастин, герцептин, мабтера, гливек, нексавар ва бошқалар), гормонал (тамоксифен, золодекс, фемара, эгестрозол ва бошқалар), иммунотерапия (интерферонлар, цитокинлар, интерлейкинлар)ларни ўз ичига олади. Кимётерапия билан биргаликда ўтказиладиган биотерапия усуллари дори-дармон билан даволаш усулининг самарасини ошириб, беморлар узоқ ва сифатли яшашига олиб келади.

Ўсмага қарши дорилар бемор организмга таблетка, вена қон томири, артерия қон томири, бўшлиқлар (қорин, кўкрак қафаси, қовуқ бўшлиқлари) орқали юборилади. 95 фоиз кимётерапия олаётган беморларга дори вена қон томири орқали юбори-

лади. Кимёпрепарат томирдан юборилганда асоратларнинг олдини олиш ва беморга қулайлик яратиш мақсадида замоनावий янги технологиялар асосида ускуна ва махсус мосламалар ёрдамида (порт-система, инфузозомат ва помпалар) дориларни юбориш йўлга қўйилган. Маҳаллий (регионар) йўллар билан кимёпрепаратларни беморга юбориш мақсадга мувофиқми ёки йўқлиги, ҳар бир ҳолатда (беморда), индивидуал ёндошган ҳолда мутахассислар консилиумида ҳал қилинади.

Кимёпрепаратларни таблетка шаклида (крселода, фторафур, темодол) сут беги саратонида, йўғон ичак саратонида, жигарда метастазлар бўлганида, баъзан, бачадон бўйни саратонида ва бош мия хавfli ўсmalarида нур терапия билан биргаликда қўлланилади. Кўпинча таблетка (капсула) шаклида гормон – (золодекс, тамоксифен, фемара, эгестрозол, анастрозол) ва таргет (мабтера, авастин, гливек, иресса, нексавар, сутент) терапиялар ўтказилади.

Ҳозирги вақтда, бутун дунё онкологлари ва етук онкология марказларининг тажрибаси, ўсмага қарши даволаш усулининг бемор учун аҳамияти юқори эканлигини тасдиқлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва РОИМ раҳбарияти томонидан ўсмага қарши янги даволаш усуллари бўйича илмий-амалий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят онкология диспансерларида кимётерапия бўлимлари таъмирланиб, янги қурилган биноларда алоҳида кимётерапия бўлимлари ташкил қилинган. Бугунги кунда РОИМ клиникасида биринчи ва нисбатан янги ташкил қилинган иккинчи кимётерапия бўлимлари, болалар кимётерапия бўлими фаолият кўрсатмоқда. Яқин келажакда беморларга амбулатор кимётерапия хизматини ташкил қилиш режалари кўриб чиқилмоқда.

Вилоят онкология диспансерлари кимётерапия бўлимлари, поликлиника кимётерапевтлари даволаш-услубий ишларида РОИМ кимётерапия хизмати билан узвий боғлиқликда фаолият юритишади. Жиплашув қуйидаги кўринишларда намоеён бўлади: беморлар РОИМ кимётерапевтлари томонидан кўрилиб, даволаш режаси аниқлаб берилди, вилоятлар аҳолисини РОИМ кимётерапия бўлимларида стационар даволаш, кейинги даволаш курсларини яшаш жойидаги диспансерларда давом эттириш, вилоят диспансер мутахассислари томонидан беморни назоратга олиш тавсия этилади. Кўпчилик вилоят онкодиспансер кимётерапевтлари илмий йўналишда ҳам фаолият юритмоқдалар. Улар ичида илмий ишини якунлаб, диссертацияни муваффақи-

ятли ҳимоя қилганлар, илмий ишини фаол давом эттираётганлар ва энди режалаштираётганлар ҳам бор.

Яна бир катта аҳамиятга эга бўлган ютуқ, бу диспансер кимётерапевт мутахассислари ва РОИМ кимётерапия бўлимларида шифокорлар томонидан амалий ҳамда назарий билим берилиши ва сертификатланишидир. Бу борада янги ўқув дастури ҳам тайёрланмоқда. Ўқитишдан мақсад – кимётерапия кўрсатмаларини аниқлаш, тўғри даволаш режасини тузиш, даволаш, натижани тўғри баҳолаш, рецедив ва метастазларни вақтида аниқлаш мақсадида беморларга режали мониторинг ўтказиш борасида мутахассисларни тайёрлашдир.

Ҳозирги кунда ўсмага қарши дорилар билан даволаш жараёнини яхшилаш мақсадида бизнинг марказда бир неча йўналиш бўйича иш олиб борилмоқда. Асосийси, замоनावий ва эффектив хавfli ўсmalarга қарши препаратларни қўллаш (таксанлар, гемцитабин, навелбин, элоксатин, кампто, кселода, кампто, зомета, фемара ва б.)дан иборат.

Хавfli ўсmalarнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда янги синтез қилинган ўсмага қарши биопрепаратлар (авастин, герцептин, мабтера, гливек, иресса, нексавар ва б.) таргет терапия сифатида қўлланилмоқда.

Ўсмага қарши препаратларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида кимётерапия модификаторлар (бошқа гуруҳлар дори воситалари, умумий ва маҳаллий гипертермия) билан биргаликда олиб борилади, захарли таъсири бартараф қилиш ва камайтириш учун катта гуруҳ антиотоксик ва ички аъзолар фаолиятини тикловчи препаратлар қўлланилади.

Онкология амалиёти учун жуда муҳим бўлган ютуқ – марказда қолжизин асосида бир қатор янги ва самарали хавfli ўсmalarга қарши препаратлар яратилиб, тажрибасинингдан ўтказилиб, беморларда ишлатишга рухсат берилмоқда.

Замоनावий кимётерапия тез ва мустаҳкам ривожланиб келаётган кўп тармоқли даволаш усулидир. Беморнинг хавfli ўсмадан тўлиқ даволаниб кетиши биринчи навбатда тўғри танланиб, вақтида бажарилган кимётерапияга боғлиқ. Келажакда хавfli ўсmalarга қарши дорилар билан даволаш усули янада такомиллаштирилади.

Дониёр ПҮЛАТОВ,
Республика онкология
илмий маркази I ва II
кимётерапия бўлими
илмий раҳбари, тиббиёт
фанлари доктори.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳоли ўртасида овқатдан захарланишнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг долзарб вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи А. Нурматов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиология назорати мар-

СОҒЛИГИМИЗ – ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

кази бўлим бошлиғи О. Бойкулов ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли ўртасида овқатдан захарланишнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилаётгани санитария-эпидемиология мухитини барқарор сақлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда Фавқулодда вазиятлар ва Соғлиқни сақлаш ва-

зирликлари ҳамкорлигида жойларда кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишлари, ўқув-машгулотлар ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида икки юздан ортқ маҳаллада шу мавзуда учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Уларда иштирокчиларга тўғри овқатланиш қоидалари, ботулизм ва бошқа ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш

юзасидан зарур тавсиялар берилди, қўлланилган ва буклетлар тарқатилди, бир неча махсус ўқув-тактик машгулотлар ўтказилди.

Тадбирда қайд этилганидек, шахсий гигиена қоидаларига тўла риоя этиш, сифати кафолатланмаган озиқ-овқат ва ичимликларни истеъмол қилмаслик, сотиб олинаётган истеъмол маҳсулотларининг сифатига алоҳи-

да эътибор қаратиш – ботулизмга қарши курашнинг энг мақбул йўли. Ҳар бир инсон ўз соғлигига масъулият билан ёндашса, бундай муаммолар юзага келиши кескин камайдир.

Тадбирда овқатдан захарланишнинг профилактикаси, хавфсиз овқатланиш тамойиллари каби мавзулар юзасидан фикрлашилди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Баҳор ХИДИРОВА.

Актуальная тема

РЕПРОДУКТИВНОЕ ЗДОРОВЬЕ

Для продолжения жизни на Земле природа обеспечила всем живым существам способность к воспроизведению-репродукции. Однако, решать вопрос о времени рождения детей, их количестве может не каждый. Часто человек сталкивается с серьезными проблемами, многие из которых связаны с незнанием элементарных фактов своего репродуктивного здоровья и возможности его сохранения.

По определению Всемирной организации здравоохранения, репродуктивное здоровье – это важнейшая составляющая общего здоровья человека, каждой семьи и общества в целом. Оно подразумевает состояние полного физического, психического и социального благополучия, характеризующее способность людей к зачатию и рождению детей, возможность сексуальных отношений без угрозы заболеваний, передающихся половым путем, гарантию безопасности беременности, родов, выживания и здоровья ребенка, благополучие матери, возможность планирования следующих беременностей, в том числе предупреждение нежелательной.

В современном цивилизованном обществе человеку должно обеспечиваться право на жизнь и охрану своего здоровья, в том числе и репродуктивного. Для предотвращения демографического кризиса, характеризующегося снижением рождаемости, высокой заболеваемости, смертностью, необходимы:

– обеспечение гражданам возможности получения достоверной информации о своем здоровье, методах его сохранения, грамотных консультаций по вопросам планирования семьи, контрацепции, квалифицированной медицинской помощи во время беременности и родов, медицинского наблюдения за состоянием здоровья, обеспечение возможности диагностики заболеваний, их лечения, в том числе с использованием современных высокотехнологических методов (например, лечение

бесплодия с использованием ЭКО – экстракорпоральное оплодотворение и других методов);

– возможность своевременной вакцинации для профилактики инфекционных заболеваний, пропаганда здорового образа жизни, контрацепции, планирования беременности, антипропаганда абортов, вредных привычек. Для обеспечения репродуктивного здоровья важно также социальное благополучие. Репродуктивная система человека закладывается, как и многие другие системы органов, еще в период внутриутробного развития. Поэтому о репродуктивном здоровье ребенка должны думать прежде всего его родители. Залогом благополучного становления и функционирования репродуктивной системы будущего малыша является нормальное течение беременности и родов у мамы. Оптимально, если родители будущего ребенка здоровы. К сожалению, с возрастом проблемы со здоровьем накапливаются. Поэтому оптимальным временем для первых родов медики считают период с 20 до 25 лет, а для последующих – возраст до 35 лет. После беременности и родов для полного восстановления необходимо около 3 лет – это оптимальный срок между беременностями. По данным научных исследований, при перерыве между беременностями меньше 2 лет увеличивается риск преждевременных родов и рождения ребенка с малым весом.

Основными проблемами репродуктивного периода жизни человека (20-34 года) в сфере репродуктивного здоровья являются аборты, используемые многими как средство регуляции рождаемости, заболевания, пе-

редаваемые половым путем, вредные привычки, хронические заболевания и т.д.

Аборты. Проблема абортов остается весьма актуальной. Аборт является серьезным ударом по репродуктивному здоровью женщины: гормональный стресс, переживаемый организмом после прерывания развивающейся беременности, приводит к различным нарушениям физического и психологического благополучия. Ни для кого не секрет, что аборт может привести в будущем к бесплодию, однако часто бывает, что нелюбовь к использованию средств контрацепции сильнее, чем боязнь последствий аборта. Наиболее частым осложнением аборта являются воспаление, образование спаек, что в последующем может привести к трубной непроходимости, внематочной беременности. Гормональные изменения и воспалительные процессы после аборта вызывают нарушение функции яичников, эндометрию (внутреннего слоя матки, к которому прикрепляется плодное яйцо), недостаточность шейки матки, что в дальнейшем может привести к бесплодию, привычному невынашиванию беременности. Развитие тяжелых осложнений в течение следующих беременностей и в родах – печальная плата за сделанный когда-то аборт.

Инфекции, передающиеся половым путем.

Другой значимой проблемой являются инфекции, передающиеся половым путем. В настоящее время их насчитывают около 30, и большинство из них отрицательно влияет на репродуктивную функцию: ряд инфекций вызывает развитие воспалительных процессов в половой сфере, образование спаек, затрудняющих нормальное движение половых клеток, нормальное течение и вынашивание беременности. Некоторые инфек-



ции, особенно при заражении во время беременности, способствуют развитию тяжелых пороков и уродств плода. Такие заболевания, как СПИД, гепатиты В, С, также могут передаваться половым путем. Они угрожают не только репродуктивному здоровью человека, но и его жизни. Одним из способов предохранения от этих инфекций является использование средств защиты. При выявлении ИППП необходимо пройти полный курс терапии, назначенный лечащим врачом. Следует знать, что досрочное прекращение приема прописанных лекарственных средств может способствовать переходу инфекции в хроническую форму, формированию инфекции, устойчивой к воздействию самых сильных препаратов, затруднению выздоровления и предотвращению осложнений болезни.

Однако применение этих дорогостоящих методов восстановления репродуктивной функции, возможно, понизилось бы в гораздо меньшем числе случаев при более бережном отношении людей к своему репродуктивному здоровью, при вовремя принятых мерах сохранения этого здоровья с самого раннего детства.

Безусловно, знание факторов, влияющих на репродуктивное здоровье, является первым шагом на пути его сохранения. Информированность и грамотное использование контрацепции предупредит нежелательную беременность и заражение инфекциями, передающимися половым путем. Своевременная диагностика и лечение этих заболеваний позволяют минимизировать отрицательное влияние инфекционно-воспалительных процессов на репродуктивную функцию.

Планирование и тщательная подготовка будущих родителей к беременности, ведение здорового образа жизни, отказ от вредных привычек способствуют благоприятному течению беременности и родов, рождению здорового ребенка. А в целом, забота о своем здоровье, в том числе его составляющей – репродуктивном здоровье, должна стать нормой и культурой поведения каждого человека и всего общества.

Эльвира МАРКАЕВА,
директор Ташкентского
городского института
здоровья и
медстатистики.

Тадбир

СОҒЛОМ ТУРМУШ – ЭНГ ЯХШИ ЧОРА

Фаргона шахридаги “Дўстона хизмат кўрсатиш” хонасида фуқаролар ОИВ ва бошқа юқумли хасталикларга қарши тиббий текширувдан ўтказилиб, зарур ҳолларда маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли иш-лохотлар юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори хасталикнинг олдини олиш ва тиббий профилактика ишларини изчил йўлга қўйишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Фаргона вилоятида ҳам аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят ОИТСга қарши кураш марказининг замонавий асбоб-ускуналар

билан жиҳозланган янги биноси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон, Қува, Риштон, Бешариқ туманлари ва Қўқон шахрида фаолият кўрсатаётган худудий ОИТС диагностика лабораториялари капитал таъмирланди.

– Вилоятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид чора-тадбирлар туфайли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда ижобий натижаларга эришилмоқда, – дейди вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори Ботир Қодиров. – Бу ишда тиббиёт муассасалари билан бирга таълим масканлари, хуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу ўринда республикаимизда одам савдосига қарши кураш бўйича олиб борилаётган тадбирлар бундай иллатларнинг камайишида самарали таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда ОИВ/ОИТС касаллиги эпидемиясининг олдини

олиш бўйича стратегик тадбирлар режасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бажариладиган муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур режага мувофиқ ўтган даврда жойларда ОИТСнинг аянчли оқибатлари акс эттирилган фильмлар намойиш қилинди, шу мавзуда семинар ва учрашувлар, “Биз ОИТСга қаршимиз”, “Ёшлар соғлом турмушни танлайди” шиори остида акциялар ўтказилди.

– Маҳаллаимизда 4,6 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди Фаргона шахридаги 3-маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойша Шодмонова. – Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, нотинч оилалар билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудимиздаги 1-оилавий поликлиника шифокорлари маҳалла аҳли билан соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни юксалтириш тўғрисида мунтазам суҳбатлар ўтказаятир. Бу ишлар турли юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

**Маъсуджон
СУЛАЙМОНОВ.**

Фаргона вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят худудий кенгаши билан ҳамкорликда таълим муассасаларида «Оилангни, дўстларингни, ўзингни ОИТСдан ўзинг асра» мавзусида суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Марғилон шахрида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида, шунингдек, барча таълим муассасаларида ушбу бедаво касаллик тўғрисида соҳа мутахассислари томонидан маърузалар қилинмоқда. Бунинг баробарида касалликка оид буклет ва плакатлар тарқатилмоқда. Фаргона вилоят ОИТСга қарши кураш маркази мутахассиси М. Юсупов ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш бўйича вилоят ва унинг худудларида олиб борилаётган ишларга алоҳида урғу қаратиб, хасталик тасниги тўғрисида чуқур маълумот бериб ўтди. Маърузачи бу нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё бўйича глобал муаммага айланаётганлигини афсус билан таъкидлади. Ва миграция асосида хорижий давлатларга чиқиб кетаётган ва келаётган фуқароларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда назоратга олиш муҳимлигини айтиб, ота-оналар, қолаверса, маҳалла, ўқув масканлари, ташкилот раҳбарлари ўсмир ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш лозимлигига алоҳида урғу берди.

Шунингдек, тадбирда ушбу хавfli иллатга қарши курашиш чора-тадбирлари дастурида белгиланган вазифаларни самарали бажариш, аҳолини ушбу хасталиқдан огоҳ этишга доир йўналишларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар бу жирканч иллатнинг олдини олишга ҳар бир фуқаро масъул эканлигини ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб, аҳолига тўғри ва холис ахборот етказиш таклифини киритдилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
мехнат фахрийси.

Медицинские учреждения страны

ОСНОВНАЯ ЗАДАЧА МАЛЕНЬКОГО КОЛЛЕКТИВА

Главной задачей 1-й городской противотуберкулезной больницы города Ташкента является усовершенствование оптимизации лечения туберкулезных больных.

Рассчитана больница на 350 коек. Поступивший сюда больной после диспансера может получить лечение по ДОТС – краткосрочный курс с легкой туберкулезной формой с химиотерапией и ДОТС+ – с устойчивой формой туберкулеза. Помимо терапевтического и хирургического отделений есть и реанимационное, а для женщин предусмотрен еще дневной стационар с гинекологической формой происхождения.



Трудится в больнице сплоченный опытный коллектив медиков, состоящий из 22 врачей высшей и первой категорий,

– зав. хирургическим отделением, Адыл Батырович Матчанов – заведующий отделением второй терапии, Дильнура Туракуловна Курбанова – зав. отделением 3-й терапии, Обид Ахатович Тахиров – врач хирургического отделения, Сайера Сиражидиновна Сагдуллаева – врач 3-й терапии, врач-лаборант Марина Юлдашева и 90 медицинских сестер, среди которых старшая медсестра Асия Бутаходжаева, Мухаббат Усманова, Муниса Таджиматова, Нигора Мамадалиева, Наталья Харламова, Саодат Садыкова и Наргиза Юсупова.

Приобретены рентгеновый аппарат корейского производства и бинокулярные микроскопы, что очень облегчает определить ди-



гностику заболевания. Был проделан капитальный ремонт головного корпуса больницы и еще намечено отремонтировать два здания.

Есть, конечно, в больнице свои проблемы, но и они будут

со временем устранены совместными усилиями коллектива. А пока хочется пожелать им крепкого здоровья, терпения и творческих удач.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

Мутахассис маслаҳати

КЕМИРУВЧИЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи, унинг соғлом муҳитда яшаш тарзига халал берувчи паразитлар орасида кемирувчилар (каламуш, сичқон, юмронқозик) алоҳида ўрин тутлади. Эпидемиология томонидан олиб қаралганда, кемирувчилар бир қатор юқумли ва ўта хавфли касалликлар, гельментозлар манбаигина бўлиб қолмай, улар тумшуғи билан ҳар нарсани ялаб, татиб кўрганлиги туфайли ҳам юзлаб инфекцияларни бир нуқтадан иккинчисига ташиб юрвчи паразит ҳисобланади. Уясида эктопаразитлар – бурга, кана, чивинлар яшайдики, улар сон-саноксиз вируслардан ташкил топган. Бу митти паразитлар кемирувчилар қонини сўриб, касалликни ундан ўзига ва ўз навбатида бошқа ҳайвон ҳамда одамга юктириши мумкин.

Каламуш ва сичқонлар сездирмаган ҳолатда аҳоли тураржойлари, ариқ, буто ва ўсимликлар орасида яшаб, кўпаяди. Кемирувчилар қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонларни ҳам пайҳон қилиб, ҳали пишиб етилмаган сабзавот ва полиз маҳсулотларини татиб кўради, ўйиб ташлайди. Бунинг натижасида деҳқончилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўради. Ҳар йили кўплаб миқдорда зарар кўраётган деҳқон хўжаликлари йўқ эмас.

Кемирувчилар овқат танламайди, улар буғдой ва бошқа дуккакли экинларни эмас, балки мева-сабзавотлар, полиз экинлари, дарахтзорларни пайҳон қилиши, ҳаттоки электр кабелларигача кемириб кетиши мумкин. Шунингдек, паррандалар, полапон-

лар, уларнинг тухумларини ейиши, турли уй ҳайвонларини ғажжиши, ҳаттоки одамларга ҳам ҳужум қилиши кўп марта кузатилган.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, асосан кул ранг ва Туркистон каламушлари, баъзан қора каламушлар, уй сичқонлари, юмронқозиклар, сув каламушлари учрайди. Улар бир-биридан танасининг катта-кичиклиги, туқларининг ранги, яшаш тарзи, озикланиши ва келтирадиган зарари билан ажралиб туради. Кўпинча кул ранг ва қора каламуш, уй сичқонлари аҳоли тураржойлари – ҳовли, кўп қаватли уйларда учрайди.

Кўпгина кемирувчиларнинг ҳид билиш органлари яхши ривожланган бўлиб, улар 1,5-2 км. узоқликдаги турли ҳидларни жуда тезлик билан бир-биридан ажратиб олиши мумкин. Кала-

муш ва сичқонлар жуда очкўз бўлиб, ўлжа ахтариш, сув симириш билан кунни ўтказадилар. Овқат топилмаса, икки-уч сутка, сувсизликда, икки суткада ҳалок бўлиши мумкин. Кемирувчилар 1 йилдан 3 йилгача умр кўради. Бир жуфт каламуш бир йилда 800 тадан 1000 тагача насл қолдиради, уй сичқонлари эса 1 йилда 3-4 марта 4-8 тадан болалайди. Кемирувчиларга қарши курашиш учун санитар-техник тадбирларга эътибор қаратиш шарт. Ахлатни дуч келган жойга тўкиш мумкин эмас, кемирувчилар кириш эҳтимоли бўлган эшик, дераза атрофидаги ёриқларни яхшилаб беркитиб ташлаш даркор. Кемирувчилар очофат бўлганлиги учун овқат излаб кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар, маъмурий биноларнинг юқори қаватларига тирмашиб чиқиб олади. Шундай экан, уларга қарши кенг кўламда иш олиб борсак, қутилган натижага эришишимиз мумкин.

Кемирувчилар бор деб гумон қилинганда, аввало қопқонлар ёрдамида уларни йўқ қилиш зарур. Тунда қопқонга гўшт ёки қовурилган нон бўлакчаси қўйилиб, ўзига жалб қилиш учун ўсимлик ёғи билан артиб қўйилади. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияларига мурожаат қилинса, кимёвий усул билан ишлаб, кемирувчиларни йўқотишда яқиндан ёрдам беради. Жумладан, туманимизда санитария-гигиена, тозалик-озодалик ишлари тўғри ташкил этилаётганлиги сабабли, кемирувчилар билан курашишда бир қадар яхши натижаларга эришилмоқда. Тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтган давлат корхонаси бўлганлиги туфайли туман ҳудудида жойлашган 625 та ишлаб чиқариш, маданий-



маърифий муассасаси билан кемирувчиларга қарши дератизация ишлари олиб бориляпти. Дератизация ишларини сифатли ва самарали олиб боришда меҳнат жамоаларининг санитария-гигиена ҳолати муҳим роль ўйнайди. Ахлат уюмлари ўз вақтида тегишли жойга элтиб ташланиши, каламушлар юрадиган ва кўпаядиган тирқиш ҳамда коваклар беркитиб ташланиши зарур. Бу жараён томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, шартнома асосида ташкил этилиб, кемирувчиларга қирғин келтирилмоқда. Шартнома асосида иш олиб борилаётган корхоналарда кемирувчилар сони 1000 м²га 0,8 донадан тўғри келмоқда. Аксинча, баъзи корхоналар, уй-жой ширкатлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағ йўқлигини рўқач қилиб, станциямиз билан шартнома тузишга хоҳиш билдирмайдилар. Шунинг учун ҳам ўша ҳудудларда баъзи юқумли касалликлар тарқалади, аҳолидан кемирувчиларнинг кўпайиб кетаётганлиги тўғрисида турли

шикоятлар тушмоқда. Тураржой мавзеларида кемирувчилар кўпайиб кетмаслиги учун биз юқорида кўрсатиб ўтган тартиб-қоидаларга амал қилиниши керак. Хўжалик моллари дўконлари, бозор расталарида кемирувчиларни қиришга қарши захарли воситалар сотувга чиқарилган. Дератизация ишларини амалга ошириш учун маблағини аяган баъзи хонадон соҳиблари, ташкилот ва корхоналар ҳам шундан фойдаланадилар. Тўғри, бу воситалар ҳам кемирувчиларнинг йўқолишига ёрдам бериши мумкин. Аммо уларни таг-томири билан йўқотишда ёппасига дезинфекция жараёни амалга оширилса, кемирувчилардан, улар келтирадиган зарардан буткул халос бўлиш мумкинлигини унутманг.

Зулайхо ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳар Миробод туман дезинфекция станцияси бош шифокори.



Эрта кўкламда унган майса ва дарахт барглари-нинг аксарияти ёз ва куз фаслида қуриб, тўкилади. Ўз вақтида тозаланмаган ҳазон ва шох-шаббалар ҳудудлардан чиқариб ташланмаслиги оқибатида ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, аҳоли яшаш уйлари атрофларида, кўча майдонларида қуриган шох-шаб-

101 хизматда

ЭЪТИБОРСИЗ ВА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

балар ва ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб кетиши лозимлигига эътибор қилинмасдан ҳазонни ёқиб юбориш ҳолатлари учрамоқда. Арзимас бўлиб кўринган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болаларнинг гу-

гуртдан ўзбошимчалик билан фойдаланиши инсонларга тан жароҳати етказиб, катта талафотларга олиб келувчи ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун нафақат ёнғин хавфсизли-

ги ходимлари масъул, балки ҳар бир фуқаро тураржойларида, корхона-ташкilotлар атрофларида пойтахтимиз гўзаллигига, ободонлаштирилишига ўз ҳиссаларини қўшишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. **Ҳурматли ҳамшаҳарлар!** Ёнғиннинг олдини олишга

қаратилган савол ва мурожаатлар билан 233-37-22, 233-56-20, 233-21-09 телефон рақамларига ёки Фаргона йўли кўчаси, 15-уйда жойлашган Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳасан СОБИРОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.

Билиб қўйган яхши

ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ —
ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА
ЗАРАРЛИ БЎЛИШИ МУМКИН?

Бозор айлансангиз, расталар эртапишар маҳсулотларга тўлиб-тошганини кўрасиз. Улар орасида биринчилардан бўлиб, биласиз, қулупнай сотувга чиқади. Кейин эса помидор, бодринг, тарвуз, қовун каби маҳсулотлар бирин-кетин "етила" бошлайди. Барчамиз уларнинг мазасини эртароқ татиб кўришни истаймиз. Бироқ уларнинг фойда ва зарари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслигимиз аниқ. Бугун сабзавот ва полиз маҳсулотларининг икки томони хусусида сўз юритилади.

БОДРИНГ

Фойдаси

Бодрингнинг 95 фоизи сувдан иборат. У инсон организми учун жуда фойдали. Чунки ундаги сув биз ичадиган ичимлик сувидан тоза ва витаминларга бой. Бундан ташқари, бодринг таркибида соч ва юзнинг силлиқлиги, ёрқинлигини таъминловчи кремний, калий, органик кислоталар, В, А, С, РР, Е, Н витаминлари, каротин, хлорофилл, кальций, фосфор, магний, темир, натрий, хром, хлор, цирконий, марганец, никель, кумуш каби моддалар бор. У айниқса, юрак қон-томир, қалқонсимон без касалликлари билан оғриган инсонлар учун қони фойда.

Эрта етилгани эса...



Эрта пишган бодринг саломатликка зарар етказиб қўйиши ҳам мумкин. Чунки унинг бозор растасига 1-2 ой аввал чиқиши учун маҳсулот етилишини тезлаштирувчи кимёвий моддалардан фойдаланилиши ҳеч кимга сир эмас. Агар бодринг ана шундай кимёвий моддаларга тўйинган бўлса, уни еган инсонда қайт қилиш, кучли қорин оғриги кузатилиши, иситма қайд этилиши мумкин. Шу сабабли эрта пишган бодринг пўстлогини арчиб ейиш ҳамда боши ва охиридан 2 сантиметр кесиб ташлаш тавсия этилади. Шунингдек, эрта пишар бодрингни ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар истеъмол қилмаганлари маъқул. Ҳомиладор, эмизикли аёллар ҳам уни эҳтиёт бўлиб ейишлари лозим.

ҚОВУН

Фойдаси

Ушбу полиз экинни С витаминига бой. Шу билан бирга унда А, В1, В2 ва РР, кальций, кремний, натрий, хлор,

темир каби моддалар бор. Айтиш лозимки, ундаги темир моддаси сутдагига нисбатан 17 фоиз кўпроқ. Қовун ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга ёрдам берувчи, организмдаги гормонларни меъ-



ёрлаштириш, депрессияни енгиш, юрак қон-томирлари ҳамда хотирани мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Шифокорлар буйрагида тош бўлган инсонлар, шунингдек, жигар касалликлари билан оғриган беморларга қовун ейишни тавсия қилишади.

Эрта пишгани...

Агар сиз танлаган қовундан ширин ис келмаётган бўлса, демак унинг ички қисми яхши пишиб етилмаган. Шунингдек, у кимёвий моддаларга тўйинган бўлиши мумкин. Шу сабабли уни эмизикли аёллар истеъмол қилиши тавсия қилинмайди. Бу боланинг ич бузилишига, қайт қилишига сабаб бўлиши мумкин. Ўн икки бармоқли ичак касалликлари, қандли диабет билан оғриган беморларга ҳам қовун ейиши тақиқланган. Агар кимёвий моддаларга аллергиянгиз бўлса, эртапишар қовун ейишни тавсия бермаймиз. Чунки ундаги баъзи моддалар сизда аллергия кўзга-тиши мумкин.

ТАРВУЗ



Фойдаси

90 фоизи сув, 9 фоизи эса тез сингувчи қандлардан иборат бўлган тарвуз чанқовбосди, витаминларга бой маҳсулотдир.

У ичкадаги кераксиз моддаларни ювиш, қон айланишини яхшилаш, буйракдаги тошни майдалаш хусусиятига эга. Аммо ушбу тош катта бўлса, тарвуз ейиш тавсия қилинмайди. Чунки у кучли сийдик ҳайдаш хусусиятига эга бўлгани учун катта тошларнинг хавфли нуқталарга тегилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Эрта пишганда...

Эрта пишган тарвуз кесилганидан сўнг тезда қовжираб қолади. Бундан ташқари, уни татиганингизда туз таъми келиши ҳам мумкин. Агар сиз харид қилган тарвуздан шундай таъм келса, яхшиси уни истеъмол қилманг. Шунингдек, кесилган тарвуз ичидаги сариқ томбирсимон ўсимталар ҳам унинг кимёвий модда билан озикланганидан дарак беради. У бир қанча кимёвий моддаларнинг умумлашмаси бўлиши ва организмнинг захарлаши мумкин. Захарланиш кучли бўлиши ва битта эмас, бир нечта органлар фаолиятининг бузилишига олиб келади.

ПОМИДОР



Фойдаси

Помидор ҳам худди тарвуз ва қовун каби 95 фоиз сувдан иборат. Унда ҳам бир қанча фойдали микроэлементлар, витаминлар, глюкоза, фруктоза каби моддалар бор. Шу сабабли ҳам у кўплаб касалликларни даволашда энг яхши восита саналади. Асаб тизими, шамоллаш, организмни турли зарарли моддалардан тозалашда унинг ўрни беқиёс.

Эрта пишса...

Помидор ҳам аллергия кўзгатувчи сабзавотлар сарасига киради. Артрит, подагра, жигар касаллиги билан оғрийдиган беморларга уни истеъмол қилиш тавсия этилмайди, айниқса эртапишар помидорларни. Чунки юқоридаги маҳсулотлардаги каби эрта "пиширилган" сабзавот организмни захарлаши ва органлар иш фаолияти бузилишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, ўт пуфаги ва буйрагида тош бўлган кишиларга ҳам уни ейиш тавсия этилмайди. Баъзи тошларнинг катталашши хавфи бор.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Миллий-диний қадриятлар

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ушбу қарорни кенг жамоатчилик мамнуният билан қарши олди. Сабабики, истиқлол йилларида халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларига муносабат тубдан янгиланди.

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА
ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

Юртбошимизнинг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги Фармони айниқса, жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу санадан бошлаб, мамлакатимизда ҳар йили Рамазон ҳайити катта байрам қилинади. Жорий йилдаги Рамазон ҳайити бутун халқимиз катта тарадуд кўраётган Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига тўғри келди.

Дарҳақиқат, йил тақвими-нинг 10 июлидан бошланган моҳи Рамазон ойида имон-этиқоди мустаҳкам, тўрт мучаси соғлом, ҳаётий ва асрий ақидалар билан ўз умрини безаб келаётган, икки дунё саодатига эришмоқни ният қилган миллионлаб юртдошимиз ўз сабр-қаноатларини синовдан ўтказиб, 30 кунлик рўза амалини адо этдилар. Рўза тутган киши аввало, соғломлиги учун ҳам ўз вужудида сабр-қаноатни мужассамлаштирган, унинг ён-атрофида юрган кишиларга ибрат ва намуна бўлишига сабаб ҳам шунда. Мусулмон оламида покланиш, савоб-гуноҳ ишларнинг ажри намоён бўладиган ой, дея таърифланувчи 30 кунлик рўзада инсоннинг сабр-қаноат билан ўз нафсини жиловлаши барча кўринишлари ҳаммани ҳайратга солади. Бунда фақат таом емаслик, ичимлик ичмаслик эмас, балки тилини нопок сўзлардан тийиш, савоб амаллар қилиш, танани пок тутиш, руҳан Аллоҳга яқинлашиш каби билар ҳам назарда тутилади. Айниқса, ҳар 33-34 йилда бир бора айланиб келадиган ёз чилласига тўғри келувчи рўза ойининг ҳикмати тиббий жиҳатдан ҳам чуқурроқ ҳис қилиш мумкин. Ҳар куни 4-5 маҳал овқатланиб, соғ-саломат юрган

кишининг организмида турли хилтлар ҳосил бўлади. Уларни кимёвий усулларда ҳам чиқариб ташлаш мумкин. Аммо очлик билан бу муаммодан халос бўлиш организмга ҳеч қандай зарар етказмайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Республика саломатлик ва тиббий статистика институти олий тоифали шифокори Насиба Акромова рўза тутишининг инсон саломатлигида тугган ўрни ҳақида шундай дейди:

— Рўза соғлом одамларга фарз қилинган амал. Уни тутадиган киши соғлом, меҳнат қилишга лаёқатли, хавфли касалликлардан ҳоли бўлиши лозим. Унга саҳарликда ейилган, ичилган нарсалари етарли. Ифторликка қадар бўлган 17-17,5 соат ичида рўзадор организмда кўпчилик ўйлаганидек сокин ҳолат эмас, балки ўзини ўзи бошқариш, янгилаш ва покланиш жараёни давом этади. Ошқозон-ичак, буйрак, жигарга тўпланиб қолган хилтлар очлик туфайли ўз ўрнида юмшайди ва кечки пайт салат, сув, суюқ таомларга қўшилиб чиқиб кетади. Саудия Арабистони олимлари рўза тутган соғлом кишилар ўртасида сўровнома ўтказганларида, уларнинг бирортасида оч юриш туфайли касалликка чалиниш ҳолати рўй бермаган. Рўза тутиш кимларга буюрилмайди? Аввало, ижтимоий хавфи юқори бўлган сил, қандли диабет, вирусли гепатит, юқори қон босими, инфаркт, инсульт, бронхит астма, буйрак етишмовчилиги, турли юрак касалликларига чалинган кишининг рўза тутиши мақсадга мувофиқ эмас.

Бугун барча хонадонларда ийд Рамазон ҳайити кенг нишонланади. Байрам дастурхони ноз-неъматларга тўлиқ, энг муҳими юртимиз тинч, осойишта, кўнгиллар шунинг учун хотиржам. Шу муносабат билан барча юртдошларимизни улуг айём кунлари билан тахририят номидан қутлаймиз. Ийд Рамазон ҳайити муборак бўлсин, азизлар!

Хулқар КУЗМЕТОВА.

ЭЪЛОН

Самарқанд Давлат тиббиёт институтини 1963 йилда битирганларнинг 50 йиллигига бағишланган учрашув 2013 йил 7 сентябрь куни соат 8.00 да институт бош корпусида бўлиб ўтади.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй.

Мурожаат учун телефонлар:

Норкул Ярашевич Ярашев – (+99890) 723-68-60, Насим Валиевич Шодиев – (+99890) 605-87-21, Ҳамид Маматкулович Маматкулов – (+99890) 276-89-21, Жўракул Хушвақтович Хушвақтов – (+99890) 213-61-78.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6034 нусха.
Буюртма Г-845.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

